

**ДОН ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.05/31.03.2023.Qx. 159.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

САПАЕВА ГУЛМИРА АБДУЛЛАЕВНА

**ЭКИШ МУДДАТЛАРИ ҲАМДА МАЪДАН ЎҒИТЛАР МЕЪЁРЛАРИНИ
КУЗГИ ЖАВДАР НАВЛАРИНИНГ ЎСИШИ, РИВОЖЛАНИШИ ВА
ДОН ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ**

(Хоразм вилояти ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида)

06.01.08 – Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Андижон – 2024

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation's abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on
agricultural sciences**

Сапаева Гулмира Абдуллаевна

Экиш муддатлари ҳамда маъдан ўғитлар меъёрларини кузги жавдар навларининг ўсиши, ривожланиши ва дон ҳосилдорлигига таъсири (Хоразм вилояти ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида)

3

Сапаева Гулмира Абдуллаевна

Влияние сроков посева и норм минеральных удобрений на рост, развитие и урожайность зерна сортов озимой ржи (в условиях аллювиальных почв степной Хорезмской области)

21

Sapaeva Gulmira Abdullaevna

The influence of sowing dates and mineral fertilizer rates on the growth, development and grain yield of autumn rye varieties (in the conditions of alluvial soils of the steppe Khorezm region)

39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....

44

**ДОН ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.05/31.03.2023.Qx. 159.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

САПАЕВА ГУЛМИРА АБДУЛЛАЕВНА

**ЭКИШ МУДДАТЛАРИ ҲАМДА МАЪДАН ЎҒИТЛАР МЕЪЁРЛАРИНИ
КУЗГИ ЖАВДАР НАВЛАРИНИНГ ЎСИШИ, РИВОЖЛАНИШИ ВА
ДОН ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ**

(Хоразм вилояти ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида)

06.01.08 – Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Андижон – 2024

Фалсафа доктори (PhD) Диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.1.PHD/Qx1070 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Урганч давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) (резюме) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.ddeifti.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Сатилов Гаипназар Матвапаевич,
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

Расмий оппонентлар:

Эгамов Илхомжон Ураинмжонович,
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, к.и.х.

Азизов Бахром Музапарович,
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

Етақчи ташкилот:


Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти.


Фалсафа доктори (PhD) диссертация ҳимояси Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги PhD.05/31.03.2023.Qx.159.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «30» 03, соат 13⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 170600 Андижон тумани, Куйган-ёр шаҳарчаси, Андижон кўчаси 36-уй. Тел.: (+99874) 373-12-05; факс: (+99874) 373-12-05; e-mail: ddeifti19@mail.ru; Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Маъмурий биноси, 2-кават, анжуманлар зали).

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 16 -рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 170600, Андижон тумани, Куйган-ёр шаҳарчаси, Андижон кўчаси 36-уй. Тел.: (+99874) 373-12-05;

Диссертация автореферати 2024 йил «12» 03 кунни тарқатилди.
(2024 йил «29» 01 даги 311 рақамли реестр баённомаси).




Р.Н.Сидиков
Илмий даража берувчи илмий кенгаш
ранси, к.х.ф.д., профессор


Н.Н.Абдуллаев
Илмий даража берувчи илмий кенгаш
коғиб, к.х.ф.ф.д., доцент


С.О.Абдурахмонов
Илмий даража берувчи илмий кенгаш
коғидаги илмий семинар ранси,
к.х.ф.д., профессор

КИРИШ (фолсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёнинг 60 дан ортиқ мамлакатларида йилига 4,3 млн. гектар майдонга жавдар экилиб, провардида 13,2 млн. тоннадан ортиқ дон ҳосили етиштириб келинмоқда¹. Статистик маълумотларга кўра дунёда жавдар етиштириш 2020 йилга нисбатан 12,0 фоизга ёки 1,8 млн тоннага қисқариб кетиши инсониятни жавдар донидан тайёрланган нон маҳсулотларига ҳамда чорва хайвонларини омихта-ем маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондирилмай қолишига олиб келмоқда. Бу борада яратилаётган янги навларни минтақалар кесимида интродукция қилиш, уруғларни экишнинг мақбул муддатлари ва меъёрларини ҳамда ўсув даврида маъданли ўғитлар меъёрларига бўлган талабини ўрганиб, шунга мос равишда агротехник тадбирлар ишлаб чиқиш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб бориш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бирига айланмоқда.

Дунёда жавдар етиштиришда етакчи ўринларни эгаллаб келаётган бир қатор давлатларда жавдар экиннинг янги навларини яратиш ва ушбу навларни минтақалар бўйича мақбул экиш муддатлари ва кўчат қалинликларини ўрганиш, шуларга боғлиқ ҳолда озиқага ҳамда суғоришга бўлган талабини аниқлаш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш ва қайта ишлаш саноатларини ривожланиши ҳисобига ҳосилдорлик “Германия давлатида 1,7 фоизга, Дания, Хитой, Канада давлатларида 0,4 фоизга ва Украина давлатида 1,5 фоизга оширишга эришилди”². Ҳозирда дунё аҳолисини жавдар донига бўлган эҳтиёжини қондиришда илмий-тадқиқотлар кўламини кенгайтириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Республикамизда кейинги йилларда жавдар экинига бўлган эътибор ортиб бормоқда. Бугунги кунда бошоқли дон экинлари етиштириш учун ажратилган майдонларнинг 373 гектарида жавдар етиштирилиши ва пировардида 3800 тоннадан ортиқ дон йиғиб олинаётганлиги ички бозорда жавдар донига бўлган эҳтиёжнинг ортиб бораётганлигини кўрсатади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 23.10.2019 йилдаги ПФ-5853-сонли “Ўзбекистон республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонида ноанъанавий бошоқли дон экинларини янги авлод навларини яратиш ва етиштириш агротехнологияларини ишлаб чиқиш бўйича вазифалар қўйилган бўлиб, бу борада илмий-тадқиқот ишлари кўламини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 мартдаги ПҚ-4243-сонли “Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сонли “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган

¹ <https://ru.wikipedia.org/wiki>

² <https://agro-v.com/ru/vyrashchivanie-rzhi-v-evrope/>

вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жавдар экинни суғориладиган ва лалми майдонларда етиштириш агротехнологияси бўйича Республикамиз олимларидан Н.Х.Халилов, Р.И.Сиддиқов, Р.О.Орипов, И.У.Эгамов, Х.Н.Атабоева, С.О.Абдурахмонов, З.Зиёдуллаев, Н.Ғ.Ёдгоров, А.М.Тагаевлар, хорижий олимлардан А.А.Гончаренко, С.Л. Елисеев, Ю.П.Жуков, О.В.Чухина, С.И.Зинченко, А.А.Безменко, А.М.Каргатова, С.А.Степанов ва бошқалар тамонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Бироқ, Хоразм вилоятининг ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида кузги жавдар навларидан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришда уруғларни мақбул экиш муддатларини ҳамда маъданли ўғитлар билан озиклантиришда мақбул меъёрларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар етарли даражада олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Урганч давлат университети илмий-тадқиқот режасининг 2021 йил 20-январдаги №6-сонли йиғилиш баённомаси билан тасдиқланган “Хоразм вилояти шароитида ноанъанавий бошқоқли дон экинларидан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштириш агротехнологиясини ишлаб чиқиш” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари доирасида бажарилган (2020-2023 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади: Хоразм вилоятининг ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида кузги жавдар навларидан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришда мақбул экиш муддатлари ва маъданли ўғитлар билан озиклантириш меъёрларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

уруғ экиш муддатлари ва маъданли ўғитлар билан озиклантириш меъёрларини кузги жавдар навлари уруғларнинг дала унувчанлиги ҳамда кўчат қалинлигига, ўсув даврини давомийлигига, ўсиб ривожланишига ва поя баландлигига таъсирини аниқлаш;

уруғ экиш муддатлари ва маъданли ўғитлар билан озиклантириш меъёрларини кузги жавдар навларининг барг сатҳини шаклланишига, биологик қуруқ массаси тўплашига, фотосинтез соф маҳсулдорлигига, умумий ва маҳсулдор поялар сонига таъсирини аниқлаш;

уруғ экиш муддатлари ва маъданли ўғитлар билан озиклантириш меъёрларини кузги жавдар навларининг ҳосил структурасига, дон ва сомон ҳосилдорлигига, дон сифат кўрсаткичларига ҳамда иқтисодий самарадорлигига таъсирини аниқлаш;

Тадқиқотнинг объекти. Ўтлоқи аллювиал тупроқ, кузги жавдарнинг “Вахшская 116”, “Ns Savo”, навлари, уруғ экиш муддатлари, маъданли ўғитлар меъёрлари.

Тадқиқотнинг предмети. Кузги жавдар навларининг кўчат қалинлиги, ўсиш ва ривожланиши, маҳсулдорлик кўрсаткичлари, дон ва сомон ҳосилдорлиги ва донининг сифат кўрсаткичлари, экиш муддатлари, маъданли ўғитлар билан озиклантириш меъёрлари, навлар характеристикаси, биометрик кўрсаткичлари, иқтисодий самарадорлик, хўжалик белги ва хусусиятларини ўз ичига олади.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий тадқиқот ишларини ўтказишда дала ва лаборатория тажрибалари «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» (ЎзПИТИ 2007), «Методый агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых раёнах» (СоюзНИХИ, 1977), «Методика исследованый с зернобобовыми культурами» (1971), олинган маълумотларнинг математик-статистик таҳлили эса Б.А.Доспехов «Методика полевого опыта» (М. 1985) услубий қўлланмалари бўйича амалга оширилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Илк бор Хоразм вилоятининг ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида кузги жавдарнинг “Вахшская 116” ва “Ns Savo” навларидан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришда “Вахшская 116” навини 1-октябр муддатида, “Ns Savo” навини 10-октябр муддатида гектарига 5,0 млн дона (140-150 кг) унувчан уруғ ҳисобида экиш мақбул эканлиги аниқланган;

кузги жавдарнинг “Вахшская 116” навини 1-октябр муддатида, “Ns Savo” навини 10-октябр муддатида экиб, ўсув даврида маъданли ўғитларнинг $N_{180}P_{125}K_{90}$ кг/га меъёрлари билан озиклантириш юқори самара бериши исботланган;

Кузги жавдарнинг “Вахшская 116” навини 1-октябр муддатида, “Ns Savo” навини 10-октябр муддатида экиб, ўсув даврида маъданли ўғитларнинг $N_{180}P_{125}K_{90}$ кг/га меъёрлари билан озиклантириш дон ҳосилдорлигини гектарига “Вахшская 116” навида 4,2 ц гача, “Ns Savo” навида 4,4 ц гача юқори бўлиши аниқланган;

Кузги жавдарнинг “Вахшская 116” навини 1-октябр муддатида, “Ns Savo” навини 10-октябр муддатида экиб етиштириш иқтисодий рентабеллик даражасини гектарига “Вахшская 116” навида 19,0 фоизгача, “Ns Savo” навида 19,4 фоизгача ошириши асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Кузги жавдар навлари уруғларини дала унувчанлигига экиш муддатларининг таъсири ўрганилганида юқори натижа уруғлар 20-сентябр муддатида экилган вариантларда кузатилиб, “Вахшская 116” навида уруғлар 1-октябр ва 10-октябр муддатларида экилган вариантларга нисбатан 0,4-3,8 фоизгача, “Ns Savo” навида 0,5-3,6 фоизгача юқори бўлган бўлсада, униб чиққан кўчатларнинг яшовчанлиги уруғлар 10-октябр муддатида экилган вариантларда кузатилиб, 20-сентябр ва 1-октябр муддатларига нисбатан

“Вахшская 116” навида 0,3-0,9 фоизгача, “Ns Savo” навида 0,2-1,0 фоизгача юқори бўлганлиги аниқланган;

Кузги жавдар навлари уруғларини 20-сентябр муддатида экиб етиштириш, уруғларни 1-октябр ва 10-октябр муддатларида экиб етиштирилганга нисбатан “Вахшская 116” навида поя баландлиги 16,8-31,0 см га, барг сатҳи 4727,3-9447,0 м²/га, қуруқ масса тўплаши 19,4-39,9 ц/га, фотосинтез соф маҳсулдорлиги 0,27-0,62 г/м² кунга, “Ns Savo” навида поя баландлиги 16,228,6 см га, барг сатҳи 3702,6-8556,1 м²/га, қуруқ масса тўплаши 19,4-41,4 ц/га, фотосинтез соф маҳсулдорлиги 0,23-0,53 г/м² кунга юқори бўлганлиги кузатилган;

Маҳсулдор поялар сони бўйича юқори натижалар уруғлар 20-сентябр муддатида экилиб, ўсув даврида маъданли ўғитларнинг N₂₁₀P₁₅₀K₁₀₅ кг/га меъёрлари қўлланилган вариантларда аниқланиб, уруғлар 1-октябр ва 10-октябр муддатларида экилган вариантларга нисбатан “Вахшская 116” навида 20,4-62,0 дона/м² гача, “Ns Savo” навида 31,8-42,8 дона/м² гача юқори бўлганлиги кузатилган бўлса, бошоқ маҳсулдорлиги бўйича юқори натижалар уруғлар 10-октябр муддатида экилиб, ўсув даврида маъданли ўғитларнинг N₂₁₀P₁₅₀K₁₀₅ кг/га меъёрлари қўлланилган вариантларда кузатилиб, уруғлар 20-сентябр ва 1-октябр муддатларида экилган вариантларга нисбатан бир бошоқда донлар сони “Вахшская 116” навида 0,9 донагача, “Ns Savo” навида 1,0 донагача, 1000 дона дон оғирлиги “Вахшская 116” навида 0,9 г гача, “Ns Savo” навида 1,4 г гача юқори бўлганлиги қайд этилган;

Кузги жавдар навларининг дон ва сомон ҳосилдорлиги ҳамда рентабеллик даражаси бўйича юқори натижалар “Вахшская 116” навида уруғларни 1-октябр муддатида экилган вариантларда кузатилиб, уруғлар 20-сентябр ва 10-октябр муддатларида экилган вариантларга нисбатан дон ҳосили 2,2-4,2 ц/га, сомон ҳосили 3,3-6,5 ц/га, рентабеллик кўрсаткичи 5,3-10,3 фоизга, “Ns Savo” навида юқори натижалар уруғларни 10-октябр муддатида экиб етиштирилган вариантларда кузатилиб, уруғлар 20-сентябр ва 1-октябр муддатларда экилган вариантларга нисбатан дон ҳосили 1,5-4,4 ц/га, сомон ҳосили 2,1-5,6 ц/га, рентабеллик кўрсаткичи 4,5-10,7 фоизгача юқори бўлганлиги маълум бўлган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг математик-статистик ишловдан ўтказилганлиги ҳамда олинган назарий натижаларни амалий натижалар билан асосланганлиги, кузатилган қонуниятлар ва олинган хулосаларнинг мослиги, олинган маълумотлар мутахассислар томонидан ижобий баҳоланганлиги ва тадқиқот натижалари ишлаб чиқариш шароитига жорий этилганлиги, Республика ва Халқаро илмий конференцияларда маърузалар қилинганлиги илмий ишнинг ишончлилигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Хоразм вилояти ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида кузги жавдар навларини мақбул экиш муддати ва

маъданли ўғитлар билан озиклантириш меъёрларини уруғларининг дала унувчанлигига, кўчат қалинлигига, ривожланиш даврларининг давомийлигига, барг сатҳининг ўзгариши ва қуруқ модда тўпланишига, ҳосил структураси, дон ҳосилдорлиги ва сифат кўрсаткичларига таъсири ижобий бўлганлиги билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, кузги жавдарнинг “Вахшская 116” нави уруғларини 1-октябр муддатида гектарига 5,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экиб, ўсув даврида маъданли ўғитларнинг $N_{180}P_{125}K_{90}$ кг/га меъёрлари билан озиклантириш уруғларни 20-сентябр ва 10-октябр муддатларида экиб, маъданли ўғитларнинг $N_{180}P_{125}K_{90}$ кг/га меъёрлари билан озиклантирилган вариантларга нисбатан дон ҳосилдорлиги 2,2-3,7 ц/га, сомон ҳосили 3,9-6,1 ц/га, рентабеллиги 6,1-10,2 фоизгача, “Ns Savo” нави уруғларини 10-октябр муддатида гектарига 5,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экиб, ўсув даврида маъданли ўғитларнинг $N_{180}P_{125}K_{90}$ кг/га меъёрлари билан озиклантириш уруғларни 20-сентябр ва 1-октябр муддатларида экиб, маъданли ўғитларнинг $N_{180}P_{125}K_{90}$ кг/га меъёрлари билан озиклантирилган вариантларга нисбатан дон ҳосилдорлиги 1,8-4,1 ц/га, сомон ҳосили 2,1-5,3 ц/га, рентабеллиги 4,6-10,7 фоизгача ортиши бўйича ишлаб чиқаришга тавсиялар берилганлиги ва кенг жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Хоразм вилояти шароитида кузги жавдар навларидан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришда уруғларни мақбул экиш муддатлари ва маъданли ўғитлар билан озиклантириш меъёрларини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқот илмий натижалари асосида:

Ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари учун “Хоразм вилояти шароитида жавдар етиштириш технологияси” номли тавсиянома ишлаб чиқилган ва тасдиқланган. (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 24.11.2023 йилдаги №07/34-05/6047-сон маълумотномаси). Мазкур тавсиянома фермер хўжаликларида кузги жавдар навларини етиштиришда муҳим кўрсатма сифатида хизмат қилмоқда;

Кузги жавдарнинг “Вахшская 116” ҳамда “Ns Savo” навлари Урганч тумани “Карпат бол арилари” фермер хўжалигида 7,4 гектар, “Элита насли парранда” фермер хўжалигида 6,0 гектар, “Қаландар Сапаев” фермер хўжалигида 8,7 гектар, “Қуронбой бобо” фермер хўжалигида 9,2 гектар, Боғот тумани “Ортиқ ўғли Ойбек” фермер хўжалигида 5,6 гектар, “Боғот махсус чорва” фермер хўжалигида 8,1 гектар, “Барчин” фермер хўжалигида 7,3 гектар, “Бахтиёр” фермер хўжалигида 6,4 гектар, жами 58,7 гектар майдонга жорий қилинган. (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 24.11.2023 йилдаги №07/34-05/6047-сон маълумотномаси). Натижада уруғларни экишнинг энг мақбул муддати “Вахшская 116” навида 1-октябр муддатида гектарига 5,0 млн дона, “Ns Savo” навида 10-октябр муддатида гектарига 5,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилиб, ўсув даврида маъданли ўғитларнинг $N_{180}P_{125}K_{90}$ кг/га меъёрлари билан озиклантирилганида юқори самарадорликка эришилган;

Кузги жавдарнинг “Вахшская 116” нави уруғларини 1-октабр, “Ns Savo” нави уруғларини 10-октабр муддатларида гектарига 5,0 млн дон унувчан уруғ ҳисобида экилиб, ўсув даврида маъданли ўғитларнинг $N_{180}P_{125}K_{90}$ кг/га меъёрлари билан озиклантириб етиштириш технологияси Урганч туманида жорий этилган. (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 24.11.2023 йилдаги №07/34-05/6047-сон маълумотномаси). Натижада ушбу технологияни қўллаш орқали рентабеллик даражаси “Вахшская 116” навида 41,3 фоизга, “Ns Savo” навида 46,3% фоизга ортишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари ҳар йили Урганч давлат университетининг апробация комиссиялари томонидан “яхши” ва “аъло” баҳоларга баҳоланган. Тадқиқотдан олинган натижалар 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида маърузалар қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 8 та илмий мақолалар ва 1 та тавсиянома чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг фалсафа докторлари учун чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та жумладан, маҳаллий нашрларда 3 та, хорижий нашрларда 1 та илмий мақолалар чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, беш боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объект ва предмети тавсифланган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Жавдар экинидан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришда уруғ экиш муддатлари ва маъданли ўғитлар билан озиклантириш меъёрларини ўрганиш бўйича олиб борилган маҳаллий ҳамда хорижий тадқиқотлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида, жавдар экинининг халқ хўжалигидаги аҳамияти, ўсиши ва ривожланишига таъсир этувчи биотик ва абиотик омилларнинг таъсири, биологияси ва морфологияси, уруғ экиш муддатлари ва меъёрларини ҳамда маъданли ўғитларни қўллаш меъёрларини ўсиши ва ривожланишига ва дон ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар

натижалари чоп этилган хорижий ва маҳаллий илмий манбалар, интернет маълумотлари келтириб ўтилган. Натижаларнинг назарий ва амалий натижалари таҳлил қилиниб, диссертация ишининг илмий мақсади ва вазифалари белгилаб олинган.

Диссертациянинг «Тадқиқот олиб борилган минтақанинг географик жойлашув ўрни, тупроқ ва иқлим шароитлари, тажриба ўтказиш усули ва услублари» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган минтақанинг географик жойлашув ўрни ва тупроқ хусусиятлари, ҳудуднинг иқлим шароитлари, тажриба ўтказиш усули ва услублари, тажриба олиб борилган майдонда қўлланилган агротехник тадбирлар ва тажрибада ўрганилган навлар таснифи тўғрисида батафсил маълумотлар келтирилган.

Дала тажрибаларини бошлашдан олдин ҳар йили танлаб олинган даланинг шудгор ва шудгор ости қатламларидан тупроқ намуналари олиниб, дастлабки агрохимёвий хусусиятлари аниқлаб борилди.

Олинган маълумотларнинг кўрсатишича, 2019 йил амал даври бошида тупроқнинг 0-30 см қатламида гумус миқдори 0,802 фоизни, умумий шаклдаги азот 0,051 фоиз, фосфор 0,080 фоиз, калий 1,24 фоизни кўрсатган бўлса, тупроқнинг 30-50 см қатламида гумус миқдори 0,587 фоизни, умумий шаклдаги азот 0,042 фоиз, фосфор 0,058 фоиз, калий 1,09 фоизни ташкил этганлиги аниқланди. Озиқа унсурларининг ҳаракатчан шакллари аниқланганида тупроқнинг 0-30 см қатлами нитрат билан 6,23 кг/мг, фосфор билан 14,06 кг/мг, алмашинувчи калий билан 115 кг/мг миқдоридан, тупроқнинг 30-50 см қатламида эса мос равишда нитрат билан 4,15 кг/мг, фосфор билан 8,77 кг/мг, алмашинувчи калий билан 100 кг/мг миқдоридан таъминланганлиги қайд этилди.

2020 йил амал даври бошида танлаб олинган дала тупроғининг дастлабки агрохимёвий ҳолати ўрганилганида эса тупроқнинг шудгор (0-30 см) қатламида гумус миқдори 0,813 фоизни, умумий шакллардан азот 0,056 фоизни, фосфор 0,087 фоизни, калий 1,35 фоизни, ҳаракатчан шаклларида нитрат 6,48 кг/мг ни, фосфор 14,32 кг/мг ни, алмашинувчи калий 120 кг/мг ни ташкил этганлиги кузатилган бўлса, тупроқнинг шудгор остки 30-50 см қатламида эса гумус миқдори 0,595 фоизни, умумий шакллардан азот 0,045 фоизни, фосфор 0,063 фоизни, калий 1,14 фоизни, ҳаракатчан шаклларида нитрат 4,40 кг/мг ни, фосфор 8,95 кг/мг ни, алмашинувчи калий 100 кг/мг ни ташкил этганлиги аниқланди.

1-жадвал

Тажриба майдонининг давтлабки агрохимёвий хусусиятлари

Йиллар	Тупроқ қатламлари, см	Гумус миқдори, %	Умумий шакллари, %			Ҳаракатчан шакллари миқдори, мг/кг.		
			N	P	K	N-NO ₃	P ₂ O ₅	K ₂ O
2019	0-30	0,802	0,051	0,080	1,24	6,23	14,06	115
	30-50	0,587	0,042	0,058	1,09	4,15	8,77	100
2020	0-30	0,813	0,056	0,087	1,35	6,48	14,32	120
	30-50	0,595	0,045	0,063	1,14	4,40	8,95	100
2021	0-30	0,774	0,049	0,074	1,12	5,97	13,84	105
	30-50	0,571	0,039	0,055	1,02	3,86	8,36	95

2021 йил амал даври бошида тажриба қўйиш учун танлаб олинган дала тупроғининг дастлабки агрохимёвий ҳолати ўрганилганида эса тупроқнинг 0-30 см қатламида гумус миқдори 0,774 фоизни, умумий шакллардан азот 0,049 фоизни, фосфор 0,074 фоизни, калий 1,12 фоизни, ҳаракатчан шаклларида нитрат 5,97 кг/мг ни, фосфор 13,84 кг/мг ни, алмашинувчи калий 105 кг/мг ни ташкил этганлиги кузатилган бўлса, тупроқнинг шудгор остки 30-50 см қатламида эса гумус миқдори 0,571 фоизни, умумий шакллардан азот 0,039 фоизни, фосфор 0,055 фоизни, калий 1,02 фоизни, ҳаракатчан шаклларида нитрат 3,86 кг/мг ни, фосфор 8,36 кг/мг ни, алмашинувчи калий 95 кг/мг ни ташкил этганлиги аниқланди.

Тажриба жойлаштирилиб, тадқиқотлар ўтказилган далалар тупроқларининг дастлабки агрохимёвий таҳлилларига асосланиб хулоса қиладиган бўлсак, ушбу далалар тупроқлари озика элементлари билан жуда кам миқдорда таъминланган дейиш мумкин.

Илмий-тадқиқот ишлари 2019–2022 йилларда Урганч давлат Университетига қарашли тажриба хўжалигининг ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида олиб борилиб, бунда кузги жавдарнинг Вахшская 116 ҳамда Ns Savo навларини ўсиши, ривожланиши ва дон ҳосилдорлигига уруғларини экиш муддатлари ва маъданли ўғитлар билан озиклантириш меъёрларининг таъсири уч йил давомида ўрганилди.

Тажриба 18 та вариантдан иборат бўлиб, 3 такрорланишда бир ярусда жойлаштирилди. Тажриба даласида эгат кенлиги 70 см, узунлиги 50 м. Ҳар бир булакчалар майдони 280 м², ҳисобга олинандиган майдон 140 м². Тажрибаларнинг умумий майдони 1,6 га. Тажриба 3 йил давомида 1:1 (ғўза:ғалла) қисқа ротацияли алмашлаб экиш тизимида олиб борилди. Тажрибада кузги жавдарнинг Давлат ресстрига киритилган “Вахшская 116” ва “Ns Savo” навлари экилди.

Тажрибада кузги жавдарнинг “Вахшская 116” ва “Ns Savo” навлари уруғларини уч хил экиш (20-сентябр, 1-октябр, 10-октябр) муддатларида экилиб, маъданли ўғитларнинг уч хил (N₁₅₀P₁₀₅K₇₅ кг/га, N₁₈₀P₁₂₅K₉₀ кг/га, N₂₁₀P₁₅₀K₁₀₅ кг/га) меъёрлари билан озиклантирилиб ўрганилди.

Кузги жавдарни озиклантиришда, азотли ўғитлардан аммиакли селитра (N–34%), фосфорли ўғитлардан суперфосфат (P₂O₅–20%), калийли ўғитлардан калий хлорид (K₂O–56%) ишлатилди. Тажрибада фосфорли ва калийли ўғитларнинг 100% миқдори кузда, шудгор остига солинди. Азотли ўғитлар иккига бўлиб, 1-озиклантириш туплаш даврида, 2-озиклантириш найчалаш даврида берилди.

Илмий тадқиқот ишларини ўтказишда дала ва лаборатория тажрибалари «Методика Государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур» (1989 й), «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» (2007 й) қўлланмалари асосида, олинган маълумотларнинг математик-статистик таҳлили эса Б.А.Доспеховнинг «Методика полевого опыта» услубиёти бўйича амалга оширилган.


Диссертациянинг “Экиш муддатлари ва маъданли ўғитлар билан

озиклантириш меъёрларини кузги жавдар навларининг ўсиши, ривожланиши ва дон ҳосилдорлиги ҳамда доннинг сифат кўрсаткичларига таъсири” деб номланган учинчи бобида кузги жавдар навлари уруғларни экиш муддатлари ва маъданли ўғитлар билан озиклантириш миқдорларини кўчатларининг униб чиқишига, уруғларнинг дала унувчанлигига ва кўчат қалинлигига, ривожланиш даврларининг давомийлигига, поя баландлигига, барг сатҳининг шаклланишига, биологик куруқ масса тўплашига, фотосинтез соф маҳсулдорлигига, умумий ва маҳсулдор поялар сонига, ҳосил структурасининг шаклланишига, дон ва сомон ҳосилдорлигига, донининг таркибидаги оксил миқдорида таъсири таҳлил қилинган.

Кузги жавдар навлари уруғларининг дала унувчанлиги ва кўчатларнинг униб чиқиши ўрганилганида, юқори натижалар уруғларни 20-сентябр муддатида экилган вариантларда кузатилиб, “Вахшская 116” навида уруғлар 1-октябр муддатида экилган вариантларга нисбатан 0,1-0,4% гача, униб чиққан кўчатлар сони 0,5-2,0 дона/м² гача, 10-октябр муддатларида экилган вариантларга нисбатан 3,3-3,8% гача, кўчатларнинг униб чиқиши 16,5-19,0 дона/м² гача, “Ns Savo” навида уруғлар 1-октябр муддатида экилган вариантларга нисбатан 0,2-0,5% гача, униб чиққан кўчатлар сони 1,0-2,5 дона/м² гача, 10-октябр муддатларида экилган вариантларга нисбатан 3,1-3,6% гача, кўчатларнинг униб чиқиши 15,5-18,0 дона/м² гача юқори бўлганлиги аниқланган бўлсада, аммо амал даври охирида хақиқий кўчат қалинлиги вариантлар кесимида ўрганилганида, юқори натижалар ҳар икки навда ҳам бир хил қонуниятлар сақланган ҳолда уруғлар 1-октябр муддатида экилган вариантларда кузатилиб, “Вахшская 116” навида уруғлар 20-сентябр муддатида экилган вариантларга нисбатан 0,4-0,9 дона/м² гача, 10-октябр муддатида экилган вариантларга нисбатан 12,0-13,5 дона/м² гача, “Ns Savo” навида уруғлар 20-сентябр муддатида экилган вариантларга нисбатан 1,8-2,7 дона/м² гача, 10-октябр муддатида экилган вариантларга нисбатан эса 12,7-13,3 дона/м² гача юқори бўлганлиги қайд этилган.

Кузги жавдар навларининг поя баландлигига экиш муддатлари ва маъданли ўғитлар билан озиклантириш меъёрларининг таъсири ривожланиш фазалари кесимида таҳлил қилинганида, юқори натижа барча маъданли ўғитлар меъёрларида уруғлар 20-сентябр муддатида экилган вариантларда кузатилиб, уруғлар 1-октябр муддатида экилиб, маъданли ўғитларнинг N₁₅₀P₁₀₅K₇₅ кг/га меъёрлари қўлланилган вариантларга нисбатан “Вахшская 116” навида 10,7 см, “Ns Savo” навида 10,1 см, маъданли ўғитларнинг N₁₈₀P₁₂₅K₉₀ кг/га меъёрлари қўлланилган вариантларга нисбатан “Вахшская 116” навида 13,3 см, “Ns Savo” навида 12,8 см, маъданли ўғитларнинг N₂₁₀P₁₅₀K₁₀₅ кг/га меъёрлари қўлланилган вариантларга нисбатан “Вахшская 116” навида 16,8 см, “Ns Savo” навида 16,2 см, уруғлар 10-октябр муддатида экилиб, маъданли ўғитларнинг N₁₅₀P₁₀₅K₇₅ кг/га меъёрлари қўлланилган вариантларга нисбатан “Вахшская 116” навида 20,0 см, “Ns Savo” навида 18,2 см, маъданли ўғитларнинг N₁₈₀P₁₂₅K₉₀ кг/га меъёрлари қўлланилган вариантларга нисбатан “Вахшская 116” навида 25,3 см, “Ns Savo” навида 23,3

см, маъданли ўғитларнинг $N_{210}P_{150}K_{105}$ кг/га меъёрлари қўлланилган вариантларга нисбатан “Вахшская 116” навида 31,0 см, “Ns Savo” навида 28,6 см гача юқори бўлганлиги кузатилган.



1-расм. Кузги жавдар навларининг кўчат қалинлиги ва поя баландлигига уруғларни экиш муддатлари ва маъданли ўғитлар билан озиқлантириш меъёрларининг таъсири.

Кузги жавдар навларининг биометрик маҳсулдорлигидан барг сатҳининг шаклланиши, биологик қуруқ масса тўплаши ва фотосинтез соф маҳсулдорлик кўрсаткичларига уруғ экиш муддатлари ва маъданли ўғитлар меъёрлари билан озиқлантириш меъёрларининг таъсири вариантлар кесимида аниқлаб чиқилганида, мум пишиш даврига келиб, юқори натижалар уруғлар 20-сентябр муддатида экилган вариантларда кузатилиб, уруғлар 1-октябр муддатида экилиб, маъданли ўғитларнинг $N_{150}P_{105}K_{75}$ кг/га меъёрлари қўлланилган вариантларга нисбатан “Вахшская 116” навида барг сатҳи 2617,4 м²/га, биологик қуруқ масса тўплаши 11,1 ц/га, фотосинтез соф маҳсулдорлиги 0,19 г/м² кун, “Ns Savo” навида барг сатҳи 1910,8 м²/га, биологик қуруқ масса тўплаши 8,3 ц/га, фотосинтез соф маҳсулдорлиги 0,16 г/м² кун, маъданли ўғитларнинг $N_{180}P_{125}K_{90}$ кг/га меъёрлари қўлланилган вариантларга нисбатан “Вахшская 116” навида барг сатҳи 3509,9 м²/га, биологик қуруқ масса тўплаши 15,8 ц/га, фотосинтез соф маҳсулдорлиги 0,26 г/м² кун, “Ns Savo” навида барг сатҳи 3365,1 м²/га, биологик қуруқ масса тўплаши 15,5 ц/га, фотосинтез соф маҳсулдорлиги 0,22 г/м² кун, маъданли ўғитларнинг $N_{210}P_{150}K_{105}$ кг/га меъёрлари қўлланилган вариантларга нисбатан “Вахшская 116” навида барг сатҳи 4727,3 м²/га, биологик қуруқ масса тўплаши 19,4 ц/га, фотосинтез соф маҳсулдорлиги 0,27 г/м² кун, “Ns Savo” навида барг сатҳи 3702,6 м²/га, биологик қуруқ масса тўплаши 19,4 ц/га, фотосинтез соф маҳсулдорлиги 0,23 г/м² кун, уруғлар 10-октябр муддатида экилиб, маъданли ўғитларнинг $N_{150}P_{105}K_{75}$ кг/га меъёрлари қўлланилган вариантларга нисбатан “Вахшская 116” навида барг сатҳи 5444,6 м²/га, биологик қуруқ масса тўплаши 24,7 ц/га, фотосинтез соф маҳсулдорлиги 0,45 г/м² кун, “Ns Savo” навида барг сатҳи 4564,0 м²/га, биологик қуруқ масса

тўплаши 21,6 ц/га, фотосинтез соф маҳсулдорлиги 0,38 г/м² кун, маъданли ўғитларнинг N₁₈₀P₁₂₅K₉₀ кг/га меъёрлари қўлланилган вариантларга нисбатан “Вахшская 116” навида барг сатҳи 7333,9 м²/га, биологик куруқ масса тўплаши 33,1 ц/га, фотосинтез соф маҳсулдорлиги 0,62 г/м² кун, “Ns Savo” навида барг сатҳи 6910,3 м²/га, биологик куруқ масса тўплаши 33,2 ц/га, фотосинтез соф маҳсулдорлиги 0,53 г/м² кун, маъданли ўғитларнинг N₂₁₀P₁₅₀K₁₀₅ кг/га меъёрлари қўлланилган вариантларга нисбатан “Вахшская 116” навида барг сатҳи 9447,0 м²/га, биологик куруқ масса тўплаши 39,9 ц/га, фотосинтез соф маҳсулдорлиги 0,62 г/м² кун, “Ns Savo” навида барг сатҳи 8556,1 м²/га, биологик куруқ масса тўплаши 41,4 ц/га, фотосинтез соф маҳсулдорлиги 0,53 г/м² кун гача юқори бўлганлиги аниқланган.

2-жадвал

Кузги жавдар навларининг биометрик маҳсулдорлик кўрсаткичларига уруғларни экиш муддатлари ва маъданли ўғитлар билан озиклантириш меъёрларининг таъсири

№	Кузги жавдар навлари	Уруғ экиш муддатлари	Минерал ўғитларнинг йиллик меъёрлари, кг/га	1 га майдонда барг сатҳи, м ² /га	1 га майдонда биологик куруқ масса тўплаши, ц/га.	1 м ² майдонда фотосинтез соф маҳсулдорлик, г/м ² кун
1	Вахшская 116	20.09.	N ₁₅₀ P ₁₀₅ K ₇₅	49257,8	197,8	3,41
2			N ₁₈₀ P ₁₂₅ K ₉₀	58384,7	225,4	3,80
3			N ₂₁₀ P ₁₅₀ K ₁₀₅	65919,5	244,6	4,06
4		1.10.	N ₁₅₀ P ₁₀₅ K ₇₅	46640,4	186,7	3,22
5			N ₁₈₀ P ₁₂₅ K ₉₀	54874,8	209,6	3,54
6			N ₂₁₀ P ₁₅₀ K ₁₀₅	61192,2	225,2	3,79
7		10.10.	N ₁₅₀ P ₁₀₅ K ₇₅	43813,2	173,1	2,96
8			N ₁₈₀ P ₁₂₅ K ₉₀	51050,8	192,3	3,18
9			N ₂₁₀ P ₁₅₀ K ₁₀₅	56472,5	204,7	3,44
10	Ns Savo	20.09.	N ₁₅₀ P ₁₀₅ K ₇₅	51562,5	209,3	3,51
11			N ₁₈₀ P ₁₂₅ K ₉₀	61764,4	240,2	3,85
12			N ₂₁₀ P ₁₅₀ K ₁₀₅	68247,7	261,8	4,09
13		1.10.	N ₁₅₀ P ₁₀₅ K ₇₅	49651,7	201,0	3,35
14			N ₁₈₀ P ₁₂₅ K ₉₀	58399,3	224,7	3,63
15			N ₂₁₀ P ₁₅₀ K ₁₀₅	64545,1	242,4	3,86
16		10.10.	N ₁₅₀ P ₁₀₅ K ₇₅	46998,5	187,7	3,13
17			N ₁₈₀ P ₁₂₅ K ₉₀	54854,1	207,0	3,32
18			N ₂₁₀ P ₁₅₀ K ₁₀₅	59691,6	220,4	3,56

Кузги жавдар навларининг умумий ва маҳсулдор поялар сонига уруғ экиш муддатлари ва маъданли ўғитлар билан озиклантириш меъёрларининг таъсири вариантлар кесимида аниқлаб чиқилганида ҳам юқори натижалар уруғларни 20-сентябр муддатида экилган вариантларда кузатилиб, уруғлар 1-октябрь муддатида экилиб, маъданли ўғитларнинг N₁₅₀P₁₀₅K₇₅ кг/га меъёрлари қўлланилган вариантларга нисбатан “Вахшская 116” навида умумий поялар сони 55,2 дона/м², маҳсулдор поялар сони 10,8 дона/м², “Ns Savo” навида умумий поялар сони 45,0 дона/м², маҳсулдор поялар сони 22,9 дона/м²,

маъданли ўғитларнинг $N_{180}P_{125}K_{90}$ кг/га меъёрлари қўлланилган вариантларга нисбатан “Вахшская 116” навида умумий поялар сони 67,3 дона/м², маҳсулдор поялар сони 6,4 дона/м², “Ns Savo” навида умумий поялар сони 63,6 дона/м², маҳсулдор поялар сони 37,5 дона/м², маъданли ўғитларнинг $N_{210}P_{150}K_{105}$ кг/га меъёрлари қўлланилган вариантларга нисбатан “Вахшская 116” навида умумий поялар сони 70,7 дона/м², маҳсулдор поялар сони 20,4 дона/м², “Ns Savo” навида умумий поялар сони 63,0 дона/м², маҳсулдор поялар сони 42,8 дона/м², уруғлар 10-октябр муддатида экилиб, маъданли ўғитларнинг $N_{150}P_{105}K_{75}$ кг/га меъёрлари қўлланилган вариантларга нисбатан “Вахшская 116” навида умумий поялар сони 130,4 дона/м², маҳсулдор поялар сони 56,1 дона/м², “Ns Savo” навида умумий поялар сони 100,3 дона/м², маҳсулдор поялар сони 31,0 дона/м², маъданли ўғитларнинг $N_{180}P_{125}K_{90}$ кг/га меъёрлари қўлланилган вариантларга нисбатан “Вахшская 116” навида умумий поялар сони 153,2 дона/м², маҳсулдор поялар сони 58,8 дона/м², “Ns Savo” навида умумий поялар сони 128,2 дона/м², маҳсулдор поялар сони 31,8 дона/м², маъданли ўғитларнинг $N_{210}P_{150}K_{105}$ кг/га меъёрлари қўлланилган вариантларга нисбатан “Вахшская 116” навида умумий поялар сони 166,7 дона/м², маҳсулдор поялар сони 62,0 дона/м², “Ns Savo” навида умумий поялар сони 134,2 дона/м², маҳсулдор поялар сони 31,1 дона/м² гача юқори бўлганлиги қайд этилган.

